

Дўстларингизни ҳам намозга чақиринг!



14:00 / 24.01.2023 1957

Оталардан бири айтади: «Фарзандимга: «Агар сен ўртоқларингни намоз ўқишига сабабчи бўлсанг, уларни ўқиган ҳар бир намози учун сенга маблағ бераман» деб айтар эдим. Ўғлим шу йўл орқали дўстларини намоз ўқишга шижоатлантирди. Уларга тўғри йўлдан юришни ўргатди. Ўйинни ташлаб намоз ўқишига сабаб бўлди».

Оналардан бири айтади: «Мен қизимга намоз ўқишни эртароқ ўргатдим. Қизим учинчи синфда ўқиётган пайтида ўқитувчиси унинг намоз ўқишини билиб қолибди. Устози қизимдан ўртоқлари олдида овозини чиқариб, намоз ўқиб беришини сўрабди. Ўша куни қизим уйга жуда бахтли ҳолда қайтди. Уйга қайтганидан сўнг мени ўпиб, қучоқлади. Унга ёшлигидан намоз ўқишни ўргатганим учун менга раҳмат ва шукроналар айтди. Намози чиройли бўлгани учун синфда энг аълочи ўқувчига айланди. Ўқитувчисини шижоатлантириши намозга бўлган муҳаббатини янада оширди».

Йигитлардан бири айтади: «Мен бешинчи синфда ўқир эдим. Ўқитувчимиз биздан: «Қай бирингиз чиройли намоз ўқийсиз?» деб сўради. Бизларнинг орамизда намозни чиройли адо этиш бўйича мусобақа ўтказилди. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳнинг фазли билан мен дўстларимни орасида энг чиройли намоз ўқир эканман. Ўқитувчим менга: «Мактабнинг намоз хонасига борамиз, ўша ерда сен имом бўласан. Дўстларинг сени ортингда намоз ўқишади. Бироқ битта шартим бор: «Дўстларинг сендан намозни ўрганишлари учун, сен намоз ўқиётганингда овозингни чиқариб ўқийсан»

деб айтадилар. Мен бахтиёр эдим. Бу ишимдан жуда ҳам фахрланар эдим. Шундан сўнг намозга дангасалик қилмайдиган бўлдим. Мактаб намозхонасининг кичик имомчаси бўлсам қандай қилиб дангаса бўламан. Мана шу йўл орқали мен намозга муҳаббат қўйганман».

Оталардан бири айтади: «Мен ўн ёшли ўғлим билан гаплашиб ўтирган эдим. Дўстлари ичида бир ўзи намоз ўқир экан холос. Мен буни эшитиб, ҳайратга тушдим. Нима сабабдан бундай эканлигини билмоқчи бўлдим. Сўраб-суриштираман, ўғлимнинг дўстларини уйдагилари намоз ўқишмас экан ёки фарзандининг намозига бефарқ эканлар. Бир куни ўғлимдан: «Нега дўстларинг намоз ўқишмайди?» деб сўрадим. У менга: «Улар намоз ўқишни билишмайди» деб айтди. Мен унга: «Дўстларингни ҳар биттасини намоз ўқишга ўргатсанг, сенга катта мукофот бераман» деб айтдим. Ўғлим бу таклифимдан хурсанд бўлди. Айтганимни бажаришга киришди. Бу услуб фарзандимни намозга бўлган интилишини янада кучайтирди. Намози янада мустаҳкамлашди. У кўп ўртоқларини намоз ўқишига туртки бўлди. Энг аҳамиятлиси ўғлим дўстларига намозни ўргатиши, уларни «Намозхонлардан» бўлишига сабабчи бўлди. Мана шу йўл орқали ўғлимни дўстлари уни ёмон йўлга эмас, балки тўғри йўлга бошлаб, намозга ундайдиган бўлишди».

Эслатма: Сиз фарзандингизни ўқитувчисидан унинг намозини ва турли хил зикрларни сўрашини келишиб олсангиз бўлади. Негаки, фарзандингиз дўстларига ўргатиши учун. Сўнгра, фарзандингизга бирор мукофот тақдим қилиш учун, ўқитувчисига фарзандингиз билмаган ҳолатда совға берасиз. Шундан сўнг фарзандиз намозга қоим бўлишни бошлайди», инша Аллоҳ.

Оталардан бири айтади: «Бир куни ўғлимни чақириб: «Мен сен учун совға тайёрлаб қўйдим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: «Қайси бир банда гуноҳ қилиб, таҳоратини янгилаб, икки ракат намоз ўқиб ва Аллоҳга истиффор айтса Аллоҳ уни гуноҳини кечиради». Сўнгра пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу оятни зикр қилган эканлар:

«Ва улар фоҳиша иш ёки ўзларига зулм қилган чоғларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрарлар, гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди? Ва улар билиб туриб, қилган гуноҳларида бардавом бўлмаслар». (Оли Имрон сураси, 135-оят).

Ҳар доим шу ҳадисга амал қилгин. Дўстларингга ҳам мана шу ҳадисни ўргатиб шарҳлаб берсанг, мен сени мукофотлайман. Шундан сўнг сенга

ҳам Аллоҳдан ажр бўлади ва мандан совғалар бўлади» деб келишиб олиб, юқоридаги ҳадисни шарҳлаб бердим. Фарзандимга шу йўл билан намозга оид маълумотларни ўргатдим. Яна ундан дўстларига ҳам ўргатишини талаб қилдим ва мукофот ҳам бердим».

**Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида
Хуршид Маъруф тайёрлади**